311097

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 29 октябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 83 (6979)

Da'vat

Ҳар қандай билим бизни ғайратга ундаган тақдирдагина қимматлидир.

И. ЭТВЕС.

Ibrat

Халқ таълими вазири Жура Йўлдошев ўз шахсий кутубхонасидан Навоий номидаги республика Нафис саньат лицейи ўқувчиларига мингга яқин нодир китобларни тақдим этди.

Yangi turdagi ta'lim-tarbiya muassasalarida

БОЛАЛАРНИ ТЕСТ АСОСИДА МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ

Тест талаба билим мезонини ўлчайди. Тест дастлаб олий ўқув юртларида қўлланди. Сўнгра мактаб ўқувчилари ҳам тест саволларига жавоб бера бошлашди. Мана, ниҳоят у болалар боғчаларига ҳам кириб келди. Мухбиримиз Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 269-»Камолот» боғча-мактаб мажмуасида бўлиб, мажмуа раҳбари Маъмура КОМИЛОВА ва амалий руҳшунос ҳамда инглиз тили тўгараги раҳбари Светлана АБДУЛЛАЕВАлар билан боғча болаларини тест асосида мактабга тайёрлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида суҳбатлашди.

— Маъмура Каримовна, боғча-мактаб мажмуасининг ташкил топиши ҳамда унинг йўналишлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Мажмуамиз хорижий тил, компьютер ва спорт ихтисосларига йўналтирилган. Кичкинтойлар масканида 1993 йили учта параллел тайёрлов гуруҳи мавжуд эди. Улар орасидан олти ярим ёшли болалардан 22 нафарини танлаб, битта гуруҳ ташкил қилдим ва мактабга тайёрладим. Ўқишни январь ойидан бошладик. Алифбе, математика, ўқиш китоби, ёзув билан ўзим алоҳида шуғулландим. Натижа ёмон бўлмади. Май ойининг охирида «Алифбе байрами» ўтказилди. Шундан сўнг биз билан ҳамкорликда иш юритаётган туманимиздаги 146-мактаб маъмурияти, бошланғич синф ўқитувчилари , руҳшунослар иштирокида тест ўтказилди. Тест натижасига кўра барча болалар 2-синфга тайёр эканликлари маълум бўлди. Шаҳноза, Дилноза, Комилжон сингари болаларимиз ҳозирда 5-синфда аъло баҳоларда ўқишмоқда. Мазкур ўқувчилар билан биз дастлабки тажриба-синов ишларини олиб борган эдик.

1996-97 ўқув йилидан боғча-мактаб мажмуаси мақомини олдик. 20 нафар ўқувчидан иборат 1-синф ва 22 нафар кичкинтойдан иборат тайёрлов синфлари очилди. Алоҳида шуғулланиш мақсадида дастлаб 20 нафар бола билан иш бошладик. Тажриба шуни кўрсатдики, 7 ёшга нисбатан 6 яшар боланинг қизиқиши, қабул қилиш қобилияти анча дуруст экан. Шу тариқа 4 ёшдан 4-синфгача бўлган болаларга таълим-тарбия берувчи боғча-мактаб мажмуаси фаолият кўрсата бошлади.

— Суҳбат жараёнида болалар билан ўзим алоҳида шуғулландим, дедингиз. Ахир сиз мактабгача тарбия мутахассиси бўлсангиз...

— Ҳа, тўғри изоҳ бердингиз. Низомий номли педагогика институти бошланғич таълим методикаси факультети ҳамда мактабгача тарбия педагогика билим юртини битирганман. Саккиз йил мактабда педагог, 17 йил боғча мудираси бўлиб ишладим. Ана шу боғча ва мактабдаги меҳнат фаолиятим боғча-мактаб мажмуаси ташкил этиш ташаббусининг сабабчиси, десам муболаға бўлмас. Жажжи кичкинтойларга беш ёшидан хорижий тиллардан инглиз тили (оғзаки), компьютер клавишлари, улар нимадан тузилганини ўйин тариқасида ўргатдик. Масалан, компьютерда лото, фермер, тетрис ўйинларини

(Давоми 2-бетда).



XXI АСР АВЛОДЛАРИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган Нукусдаги «Прогресс» тил ўргатиш марказида ёш авлоднинг ҳар томонлама маънавиятли ва интеллектуал ривожланган бўлиб етишишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ерда ҳар йили 400 дан зиёд 7—11-синф ўқувчилари таълим олишади.

Тажрибали тилшунос ўқитувчилар бошчилигида ёшлар мактабдан бўш пайтларида ҳафтасига тўрт марта инглиз тили сирларини чуқур ўрганишмоқда.

Ушбу марказда бизнес мактаби ҳам очилиб, бу ердаги машғулотлар фақат инглиз тилида юргизилмоқда.

А. МУРОДОВ олган сурат (ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Р. ЧАГАЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз обрўсини, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда дунё миқёсида эришган катта ютуқлари учун бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 28 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

А. ГРИГОРЯНГА «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз обрўсини, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтириш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жаҳон миқёсида эришган улкан ютуқлари учун профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони, «Олтин қамар» соҳиби Артур Григорянга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 28 октябрь.

БУХОРИЙ ДАРСИ 3-БЕТ.

ЯХШИ ОТ КЕЙИН ЧОПАДИ (МИ?) 4-БЕТ.

ЯНА БИР ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Faxr

Маълумингизким, Ўзбекистон спортчиларининг дунё миқёсида қўлга киритаётган ютуқлари вақт ўтган сайин бутун оламни жунбушга солмоқда. Бундан бир неча кунгина олдин биз ҳамюртимиз Артур Григорянниг профессионал рингдаги навбатдаги ғалабаси ҳақида тўлқинланиб гапиргандик.

Бугун эса... Бугунги қувончларимиз нуфуз ва мавқеи жиҳатидан илгаригиларидан ўтса-ўтадики, қолишмайди. Ниҳоят 3 раундлик ҳаваскорлар боксидаги 23 йиллик орзуларимиз амалга ошди. Шу йилнинг 17 октябрь куни Венгрия пойтахти Будапештда бошланган жаҳон чемпионатида андижонлик спортчимиз Руслан ЧАГАЕВ мамлакатимиз тарихида Руфат Рисқиевдан сўнг иккинчи бўлиб ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ деган фахрли номга эришди.

Ғалаба осонлик билан қўлга киритилмади, албатта. Русланнинг олтин медаль тақдирини ҳал қилувчи финалдаги рақиби бокс ватани бўлмиш Кубадан чиққан, оғир вазнли Феликс Савон шу бугунга қадар икки бор дунё олимпиадаси чемпионлигиға, беш бор жаҳон чемпионлигига эришганди. Ҳамюртимиз Руслан Чагаев рақиби Савоннинг ғолибона юришларига абжирлик билан нуқта қўйди. Иккала боксчи ўртасидаги кураш умумий ҳисоб 14:4 натижа билан Русланнинг фойдасига тугади.

Ушбу чемпионатда мамлакатимиздан 12 спортчи қатнашди. Шундан тўрттаси чорак финалга (1/4) қадар етиб келишди. Хуллас, Ўзбекистонимизнинг номи яна бир бор бутун жаҳонга овоза бўлди.

Шоҳжаҳон.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Венгрия Республикаси Президенти Арпад Генц шу йил 29 октябрь — 1 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан кўп йиллик самарали меҳнати, халқлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Соиб Усмонов «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

JUMLADA JAHON

● Буюк Британиянинг Эдинбург шаҳрида бўлиб ўтган 54 мамлакат ҳукуматлари раҳбарларининг мажлисида савдо, сармоя ажратиш ва тараққиёт масалалари муҳокама этилди.

● Чеченистон Республикасида вазиятнинг оғирлиги сабабли Аслан Масхадовнинг икки йилга жиддий ваколатлар бериши ҳақидаги илтимосини мамлакат парламенти шунга тегишли ҳужжат лойиҳасини қайта кўриб чиқиш кераклилигини важ қилиб рад этди.

● Армиясининг ўзида бир миллионга яқин пиёдаларга қарши миналар мавжуд бўлган Япония яқин кунларда пиёдаларга қарши миналарни тақиқлаш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекиши мумкинлиги айтилмоқда.

Obuna — 98

«МАЪРИФАТ»ЛИ МАКТАБЛАР

Сарлавҳадан икки хил маъно англагандай бўласизу, бироқ улар асли муштарак, эгизак тушунчалар — МАКТАБ, МАЪРИФАТ, «МАЪРИФАТ». Комил инсон, маънавиятли шахснинг таянч нуқталари ҳисобланмиш бу иккала сўз замирида чексиз уммон мисол маъно ётади. «Маърифат» газетаси эса кўп йиллардан буён уларни бир-бирига ошно этишда ришталардан бири саналади.

Айниқса таълимдаги ислоҳотлар мазмуни тобора бойиб, жадаллашиб кетган шу кунларда бу жараёндан бизларни бохабар этишдаги газетанинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Бошқа таълимга оид нашрлардан фарқли ўлароқ, «Маърифат» ўзининг тезкорлиги ва муҳим ҳужжатларни, илғор технология ва тажрибаларни ўз вақтида бизга етказа олаётганлиги билан фарқланади. Шуларни инобатга олиб, биринчи галда туманимиздаги мавжуд 74 та мактабни унга обуна қилдик. Умидимиз, «Маърифат»да чоп этилаётган таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришлар, янгиликлар ишимиз ривожига-ривож, самарасига-самара қўшади.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги муассислигида чиқаётган бошқа газета ва журналларга ҳамда республика нашрларига обуна жараёни туманимиз маорифчилари ўртасида қизғин давом этмоқда. Халқимиз айтганидек «Ўқитиш учун аввало ўқиш зарур».

Юнус ЮСУПОВ,
Нуробод туман халқ таълими бўлими мудири.

Ajdodlarimiz ilmidan

ИБН СИНО МАТЕМАТИКАСИ

Шайхур раис — донишмандлар устози номи билан шуҳрат қозонган табиб, шоир, қомусий билим эгаси Абу Али ибн Сино 980 йили Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилади. Отаси Абдулла маҳаллий ҳукумат хизматчиси бўлган. Ибн Сино аввал хусусий муаллимдан, кейин мадрасада таълим олган.

Ибн Сино истеъдодли, хотираси кучли, зеҳни ўткир бўлганлигидан ўз даврида маълум бўлган илмларни тезда эгаллай бошлади. 10 ёшидаёқ Қуръони Каримни бошдан-оёқ ёд ўқир эди. 13 ёшларидан бошланғич математика, мантиқ, фиқҳ, фалсафа илмлари билан шуғуллана бошлайди. 16-17 ёшидаёқ Ибн Сино машҳур табиб — ҳаким бўлиб танилади.

Ибн Сино ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳолида илм ўрганиш борасида чеккан заҳматларини қуйидагича баён этади:

«... Кейин яна бир ярим йил илм ва мутолаага берилдим. Мантиқ ва фалсафанинг барча қисмларини қайтадан ўқиб чиқдим. Уша кезларда мен кечалари кам ухлар, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас эдим... Агар бир оз уйқуга кетсам, тушимда ҳам ўнгимдаги уша масалаларни кўрардим, кўп масалалар ечими тушимда аён бўлди. Ана шу зайлда ҳамма илмларни мустаҳкам эгаллаб олдим, ва улардан инсон имконияти даражасида хабардор бўлдим».

Ибн Сино мустақил мутолаа билан шуғулланиб математикани, астрономияни, физикани, араб ва форс тилларини пухта билиб олади. Ибн Сино асарларининг умумий сони 450 дан ошади, лекин бизгача 160 га яқин асари етиб келган.

Ибн Сино асарларининг асосий қисми Яқин ва Урта Шарқнинг уша давр илмий тили ҳисобланган. Унинг бизга маълум катта асари «Китоб уш-шифо» (Шифо китоби) 22 жилдан иборат бўлиб, 4 та катта бўлимини мантиқ, физика, математика, метафизикага доир масалалар эгаллаган. «Китоб ун-нажот («Нажот китоби») 4 катта қисмдан — мантиқ физика, математика, метафизикадан иборат. «Донишнома» — 4 қисмни — мантиқ, физика, математика, метафизикани ўз ичига олади.

Қисқа кўпайтириш формулаларини ўтиш жараёнида ибн Синонинг «Аш-шифо» китобидаги натурал сонлар устида бажариладиган амалларнинг хоссаларини 9 ёрдамида текшириш каби ажойиб кашфиёти билан таништириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ибн Сино натурал қатордаги ҳамма сонларни айрим-айрим квадратга кўтарсак, натижада ҳосил бўладиган сонларнинг бирлар хонаси ҳамма вақт 1, 4, 5, 6, 9 сонларидан бирига тенг бўлади деб кўрсатади. Ҳақиқатдан ҳам:

$11^2 = 121$	$54^2 = 2916$
$12^2 = 144$	$59^2 = 3481$
$25^2 = 625$	$67^2 = 4489$
$38^2 = 1444$	$75^2 = 5625$

Бундан кейин олим натурал сонлар устида қўшиш амалини 9 ёрдамида текширишнинг зарурий шартини кўрсатади. Сўнгра Ибн Сино сонлар квадратини 9 ра-

(Давоми 2-бетда).

Ҳурматли муштарийлар!

«МАЪРИФАТ»га

1998 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна индекси:
Якка обуначилар учун — 149
Ташкилотлар учун — 150.

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ____ Нашр индекси

Ма'рифат

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга ____ (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга ____ (Фамилияси исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси ____ Нашр индекси

Ма'рифат

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга ____ (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

МММ ХАБАРЛАРИ

АНГЛАБ БЎЛМАС ЖОЗИБАСИ БОР

Айни кунда болалар боғчаларида, мактабларда «Тил ва дил», «Она тилим — жону дилим», «Узликни англаш — саодат», «Тил — қалб кузгуси», «Она тилим — донолар тили» каби тил байрамига бағишланган кеча ва мушоиралар утказилятпти. Ана шундай кечалардан бири Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 127-мактабда ҳам бўлиб ўтди. Бу тантанада шу мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Орзигул Матқурбонова ўқувчилари билан бирлиқда тил соҳасида эришган ютуқларини катта саҳнада намойиш этди. Сирасини айтганда, гоҳ қуй, гоҳ шеър, гоҳ қушиқ янграб, дилларга ўзгача ором бағишлади.

Байрамда иштирок этган маҳалла фаоллари, ота-оналар, шунингдек, УзРХТВ ўрта умумий таълим Бош бошқармаси назоратчиси Бахтиёр Қурбонбоев ва бошқалар мазкур тадбирнинг юқори савияда ўтганини алоҳида таъкидладилар.

Абдулла ХУРРАМОВ.

ТИЛ ВА ИЖОД БАЙРАМИ

Пойтахтдаги 283-мактабда тил байрами ҳамда шоир Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда ўқувчилар намойиш этган бадиий дастурда авваламбор она тилимизнинг муқаддаслиги акс эттирилди, шунингдек Чўлпоннинг тилимиз равнақи йўлида кўрсатган хизматлари ифодаланди.

Анжуманда шоирлар Мукаррама Муродова ва Рустам Мусулмон иштирок этишиб, ўзларининг янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Ўз мухбиримиз.

БОЛАЛАРНИ ТЕСТ АСОСИДА МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ

(Боши 1-бетда).

ўйнашди. Ёки, «Бир кўшув бир баробар неча бўлади?», деб савол берилади. Калаветурадаги сонни, масалан, 2 ёки 3 ни босади. Агар учни босса натижа чиқмайди. Демак ўқувчи билмайди.

Болаларга жадаллаштирилган дастур асосида таълим берилди. Ноябрь ойида «Алифбе байрами» ўтказилди. Сўнгра «Ўқиш китоби», «Қалдирғоч», «Китобим — офтобим» китоблари ҳамда «Ғунча» журналининг янги сонлари қўшимча тарзда ўқитилади.

— Светлана Романовна, болаларни 1-синфга танлаш тестида асосан нималарга эътибор бериляпти?

— Ўқитувчи топшириғини бола бажариб, натижага эришгунга қадар бўлган жараён психомоторика дейилади. Масалан, математик диктантни олайлик. Болага варақнинг ўртасига доира чизиш, ўнг томондаги пастки бурчакка 2 та учбурчак чизиш, одам шаклини ифодалаш топширилади. Керн-йиросек тестида: намунадаги ёзувни такрорлаш, схематик туширилган нуқтачаларни тасвирлаш (бунда математикадан саноқ, кўз билан масофани чамалаш ҳамда геометрик фигура ҳосил қилиш назарда тутилган), одам шаклини тушириб бериш лозим. Суҳбат тестида эса ўнтадан савол берилган. Жумладан, ўзи ҳақида (ёши, турар-жойи, нимани яхши кўриши, дам олиши, теварак-атрофни билиши) кабилар. Фикр доирани кенгайтириб, оиласи ҳақида (оиласида кимлар бор), шаҳри, маҳалласи (қаерда туради, маҳаллада кимлар бор), Ватан — она диёр ҳақида (қайси республикада туради, Президенти ким? Бухоро ва Хева тўғрисида нималар билади?) маълумот сингариларидир.

Ҳозиргина 1-синфга қабул қилишни сўраб боғчага қатнамайдиган бир бола келди. У ўзи ҳақида маълумотдаги иккита саволга, оиласи ҳақида битта, шаҳри ҳақида сўзлаш ўрнига яшаш манзилини айта олди, холос. Ватан ҳақида эса ҳеч нарса дея олмади.

Бола таққослаш — анализ қилишни ўрганиши учун Монтиссори қолипчалари берилади. Ундаги бешта геометрик шаклларнинг номларини айтиши керак. Учбурчакни тўғри айтишди. Лекин тухумсимон овални доира, тўртбурчакни квадрат дейишди. Кўпбурчак ҳақида умуман ҳеч қандай фикр айтишмади. Боланинг идрок этиш қобилиятини аниқлаш, умумийдан яхшини ажрата олиш учун мантиқий топшириқ берилади. Масалан, сабзи, лавлаги, картошка... Битта сўз билан умумий қилиб сабзавот деб айтишни билишмайди. Шунингдек «Зумрад ва Қиммат» эртагига ишланган кесма расмларни йиғиш орқали улар қобилияти аниқланади.

— Светлана Романовна, кичкинтойларга боғча ёшидан чет тилини ўргатиш шартми? Инглиз тилини ўрганиши Давлат тили — ўзбек тилини ўрганишига бирмунча таъсир қилмайдими?

— Айни муддао саволни ўртага ташладингиз. Биз бу муаммони олдиндан ўйлаб, режа асосида амалга оширяпмиз. Болалар аввал лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тайёрлов гуруҳи ва 1-синфда мукаммал ўрганиб олдилар. Инглиз тилини эса тўғаракда — рамзий ифодалар, воситалар ёрдамида ўргатдик. Инглиз тилидаги айрим ҳарфлар лотин ёзувидаги ҳарфларга яқин бўлганлиги сабабли болалар ҳар икки тилни аралаштириб юбормасликлари учун инглиз тили алифбоси 2-синфнинг II чорагида ўқитилади. Кичкинтойларнинг ўзлаштириш даражасига алоҳида аҳамият берилди. Масалан, ўтган ўқув йилида 1-синф ўқувчиларини I ва II ярим йилликдан сўнг тестдан ўтказдик. Натижаси самарали бўлди. Фақат бир қиз тестдан ўтолмаганлиги сабабли оддий мактабга ўтказилди.

— Маъмура Каримовна, боғча гуруҳида 310, мактаб синфларида 42 нафар бола таълим-тарбия олар экан, уларнинг моддий таъминоти, боғча-мактаб тўловлари, тўгарак раҳбарларини иш ҳақи билан таъминлаш қандай жорий этилган?

— Боғча ва тайёрлов гуруҳларидаги болалар учун ота-оналар 435 сўм тўлайдилар. 1-синф ўқувчилари эрта билан соат 8 дан кеч 18 га қадар мажмуада бўладилар. Улар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминаланадилар. Ўқувчиларнинг ота-оналари эса 1232 сўм тўлайдилар. Улар 4-5 соатлик дарсдан кейин сайр қиладилар, дам оладилар, турли тўгаракларда иштирок этадилар, уйга берилган топшириқларни бажарадилар. 2-синф ўқувчилари эса фақат дарс тайёрлайдилар, тўгаракларда қатнашадилар. Мажмуамизга асосан ота-оналар ҳомийлик қиладилар. Боғчада каратэ, инглиз тили, сузиш, рақс, қўғирчоқ театри тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатаётир. Бу йилдан эса «Шоҳруҳ» клубини ташкил этамиз. Болалар хоҳишларига кўра шахмат-шашкага, таэквандога қатнашишлари мумкин. Спорт формалари ва анжомлари тахт қилиб қўйилган. Мажмуамиз учун «Улуғбек» жамғармаси ажратган 20 минг сўм маблағга «Шоҳруҳ» клубини жиҳозладик. Ўзбекистон қоғоз фабрикаси мажмуамизнинг асосий ҳомийсидир. 1996-97 ўқув йилида 20 минг сўм пул ўтказди. Шунингдек, ўқувчиларни дафтар, қоғоз ҳамда расм дафтар сингари ўқув қуроллари билан таъминлади. Тўгарак ишларини тумандаги Абдулла Набиев номли болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази мутахассислари олиб боришаётир. Жумладан, болалар қандолатчилик, бичиш-тикиш, тўқиш сингари ҳунарларни қизиқиб ўрганишяпти. 146-мактабда сузиш ҳавзаси мавжуд. Мактаб ўқитувчиси кичкинтойларимизга сузиш сирларини ўргатмоқда.

— Иш бор жойда камчилик, муаммолар бўлиши табиий. Шундай экан, бу ҳақда нималар дейсиз?

— Ҳозирги даврда спортга алоҳида аҳамият бериляпти. Шунинг учун мажмуамизда ўғил-қизларни йил давомида чиниқишлари учун ёпиқ сув ҳавзаси бўлса, деган режамиз бор. Ҳомийларимиз билан бу ҳақда келишиб олдик. Мажмуамизда инглиз тили 0,5 ставка тўгарак тарзида ўргатилаяпти. Янги ўқув йилининг II-чорагидан бошлаб 2-синф ўқувчиларига инглиз тили дарс сифатида киритилади. Шу боис инглиз тили ўқитувчиси учун штат ажратилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Ҳурматли муштарийлар, мураббийлар! Шаҳримиздаги илғор таълим-тарбия масканларидан бирида болани тест асосида мактабга тайёрлаш борасидаги иш тажрибалари билан имкон қадар таништирдик. Сиз хизмат қилаётган болалар муассасаларида қандай тадбирлар, янгиликлар амалга оширилмоқда? Бу ҳақда биз сизларнинг фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

Суҳбатдош Дилбар ХЎЖАЕВА.

Xorijda ta'lim

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ПУЛЛИК БЎЛДИ

(Хитойда маориф соҳасини ислоҳ қилишдаги янги қадам)

Янги 1997 ўқув йилидан бошлаб ХХРда олий ўқув юртларида таълим олиш талабалар ҳисобига, яъни тула равишда пуллик асосда амалга ошириладиган бўлди. Ушбу ўзгариш фақатгина олий ўқув юртларида таълим олиш жараёнини ислоҳ қилиш эмас, балки бутун маориф соҳасини янги ва замон талабига мос ҳолда йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар орасида муҳим ўрин эгаллайди.

Хитой мутахасссисларининг айтишларича, бу ислоҳот Хитойда сўнгги 40 йил давомида амалга оширилган маориф ишларининг натижаси ва шу узоқ давр давомида қўлга киритилган тажрибаларнинг якуни ҳисобланади.

Хитой матбуотида келтирилган маълумотларга кўра, бу тасодифий воқеа эмас,. Бинобарин, бундай ўзгариш сўнгги бир неча йил давомида 37 та олий ўқув юртларида ўтказилган тажрибаларга асосланади. Мазкур тажрибаларга кўра, айрим олий ўқув юртларида ўқитиш жараёни талабалар томонидан тўланган маблағ асосида амалга оширилган. Талабалар томонидан тўланган маблағнинг бир қисми айрим ҳолларда ташкилотлар, хусусий компаниялар ва хорижий компанияларнинг олий ўқув юртларига пул ўтказиши ҳисобига, иккинчи бир қисми эса ота-оналар томонидан тўланган нақд пул ҳисобига шаклланди.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, ота-онаси пул тўлашга қодир бўлмаган ва ўқиш пулини тўлашни ўз зиммасига оладиган ташкилотни тополмаган йигит-қизлар пуллик олий ўқув юртларига кира олмаган. Улар ҳукумат маблағи асосида ўқиладиган университет ва институтларга кириш учун ҳаракат қилишган. Натижада бундай олий ўқув даргоҳларида кириш танлови ниҳоятда баланд бўлиб кетган. Бу аҳвол айрим қонундан чекиниш ҳолатларига қулайлик туғдирган ва ўқиш сифатига салбий таъсир кўрсаттан.

Пуллик олий ўқув юртларида эса ўқиш жараёнининг сифати ошган. Ижобий натижаларга эришган пуллик университетларда «ёмон ўқилса ҳам пул тўласа, ўқишни давом эттириши мумкин» деган тамойил асос бўлмай, балки талабаларга қўйилган талаблар кучайтирилган.

Шу билан бирга олий ўқув юртларида ўз ҳисобидан ўқийдиган талабаларнинг моддий аҳволини енгиллаштириш ва уларнинг ўқишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида пуллик ўқиш жараёнининг амалга ошираётган ўқув даргоҳларида ҳукумат маблағи асосида янги мукофот ва ёрдам жамғармалари ташкил этилди.

Масалан, «Женьмин жибао» газетасининг 1997 йил 29 август сонида келтирилган маълумотларига кўра, 1994 йили шундай мақсад учун давлат томонидан 200 млн. юань (24 млн. АҚШ долларидан кўпроқ) маблағ ажратилган.

Мазкур жамғармалар ҳисобидан яхши ўқиган ва моддий томондан қийналиб қолган талабаларга мукофот ва ёрдам берилган. Амалиётда бунинг ҳисобига талабалар томонидан тўланган пулларнинг бир қисми қайтарилган. Аммо бундай фондлардан фойдаланиш жиддий назорат асосида амалга оширилиб талабаларга ялпи ҳолда озгинадан бўлиб бериш, таниш-билишликка йўл қўйишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Айрим маълумотларга кўра, ушбу сиёсатни амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, бунда қонунбузарликка йўл қўйилган воқеалар ҳам учраган. Аммо бундай ҳоллар вақти-вақти билан ҳукумат комиссиялари томонидан текшириш ҳисобига фош этилган ва уларнинг қайд этилишининг олди олинган.

Бир неча йиллик амалиёт шуни кўрсаттанки,, Пекиндаги Цинҳуа, Бейжин, Хитой халқ университетлари, Шанхайдаги Фудан, Нанкин шаҳридаги Нанцзин, Ухань шаҳридаги Ухань университетларида пуллик асосда таълим олаётган талабаларни мукофотлаш жамғармаси, университетларнинг турли ишлаб чиқариш соҳаларига кўрсатган хизмати, жумладан, китоблар нашр этиш, уйларга бориб ўқитувчилик қилиш, ёзма ва оғзаки таржима ишларини, компьютерда ишлашни ўргатиш, ташкилотларга компьютерлар ёрдамида хизмат кўрсатиш каби ишларини ташкил этиш эвазига олинган хизмат ҳақидан келган даромадлар, чет элдан ва турли ташкилотлардан хайрия сифатида олинган маблағ ҳисобига сезиларли даражада кўпайтирилган.

Айрим университетлар мукаммал билимга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш ва хорижий мамлакатлар билан ўрнатилган алоқаларни ривожлантириш, айниқса чет эллик талабаларни ўқитиш ишларини йўлга қўйиш ҳисобига қўшимча маблағга эга бўлган. Бундай маблағларнинг бир қисми ҳам ана шу жамғармаларни кўпайтиришга ишлатилган.

Юқорида тилга олинган газетанинг кўрсатишича, бу йилдан бошлаб олий ўқув юртида ўқийдиган ҳар бир талаба ойига 2000 юань (240 АҚШ доллари) атрофида «ўқиш пули» тўлайди. Агар бунга талабанинг кундалик рўзғорига кетган (овқат, кийим-кечак, китоб, дафтар, қалам ва бошқалар) харажатини қўшса, олий маълумотли бўлиш учун у йилига камида 30 минг юань (3600 АҚШ долларидан ортиқ) пул тўлаши лозим бўлади.

Бу ишбилармонлар ва айрим пулдор фуқаролар учун катта маблағ ҳисобланмайди, аммо ойига ўртача 600—800 юань ойлик оладиган кўп нуфузли хизматчи ва ишчилар учун бундай пулни тўлаб фарзандларини ўқитиш қийин. Ойига 1200-1400 юань оладиган катта стажга эга бўлган профессорлар ҳам болалари учун ўқиш пулини тўлашга қийналиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ўқиш пулини тўлай олмайдиган оилалар фарзандларига илм олишлари учун айни пайтда ХХР ҳукумати янги чора-тадбирлар амалга оширишни режалаштирмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳукумат томонидан амалга ошириладиган янги чора-тадбирлар сифатида қобилиятли болаларни контракт асосида ўқитишдир. Бунга кўра, айрим ташкилотлар, компаниялар ўзларининг заруриятига қараб стипендиантларнинг ўқишни битиргандан сўнг маълум давр ичида ўша идорада ишлаб бериши шартига кўра барча харажатларни ўз зиммасига олади. Агар бундай ташкилотлар қобилиятсиз болаларга таянса, у ҳолда улардан келган зарар ўз зиммасига тушади. Бундай қоиданинг жорий этилиши турмуш даражаси паст бўлган оилаларнинг қобилиятли фарзандларининг илмсиз бўлиб қолмаслигини таъминлайди.

Ҳозиргача мавжуд бўлган ҳукумат ҳисобидан олий ўқув юртларида ўқиш тизимига кўра, ҳар бир талабанинг йиллик харажати 10 минг юанга (1280 АҚШ долларига яқин) тенг. Бундан 20-25 фоизи ўқишга зарур бўлган майда-чуйдаларга, қолган қисми эса талабаларнинг кундалик турмушига ишлатилади. Давлат таълим қўмитасининг ахборотига кўра, айни пайтда ХХРда 1050 та олий ўқув юртлари мавжуд бўлиб, буларда жами 3 миллион талаба таҳсил олади. Ўрта ҳисобда уларнинг 15-20 фоизи ёки 450 минг талаба ночор аҳволда. Ҳозир янги ўқув тизимига ўтилган бир даврда буларнинг харажатини қоплаш ҳукумат олдида турган муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Яна ислоҳотнинг эътиборли жиҳати шундаки, ўқиш пулини тўлашга қодир бўлмаганлар давлатдан муддатли қарз олиши мумкин. Аммо ҳукуматдан қарз олган талабалар ўқишни тугаллагандан сўнг ўз вақтида қарзини фоиз ҳисобида қайтариши шарт. Агар бундай талабалар ўқишни битиргандан кейин ҳукумат кўрсатган жойга бориб ишлашга рози бўлса, унинг қарзи камайтирилиши ёки ундан кечиб юборилиши мумкин. Бундай қарзларнинг кечирилиши ва камайтирилиши эса қарздор бориб ишлайдиган корхонанинг имкониятларига боғлиқ бўлади.

А. ХЎЖАЕВ, «Жаҳон» АА мухбири. Пекин.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Исроил яна бир гуруҳ Фаластин маҳбусларини қамоқдан озод қилган. Ўтган ойда Иордания пойтахти Оммонда исломий жангари гуруҳ раҳбарига суиқасд уюштирмоқчи бўлган икки исроиллик ҳибсга олинган эди. Фаластин маҳбусларининг озод қилиниши ана шу икки хавфсизлик хизмати ходимларини озод қилиш борасидаги келишувларнинг таркибий қисми сифатидадир. Фаластин радиосининг айтишича, йигирма етти маҳбус озод қилинган.

***

Ослода болалар меҳнатидан фойдаланишга қарши ҳаракат барномасини ишлаб чиқишни мақсад қилиб олган халқаро конференция ўз ишини бошлади. Норвегия ривожланиш вазири Хилд Жонсоннинг айтишича, болалар меҳнатидан фойдаланиш йилдан-йилга ўсиб боряпди. Лекин айни вақтда муаммога эътибор ҳам кучаяпти.

***

Британия ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарлари Шотландияда ўз анжуманларини тугатар эканлар, Нигерия ҳарбий ҳукуматига қарши зудлик билан чоралар кўришни қўллаб-қувватламадилар. Лекин, агар бир йил ичида мамлакатда фуқаро ҳокимияти ўрнатилмас экан, қатъий чоралар кўриш ҳақида огоҳлантирганлар.

***

Испания ва Қозоғистон ўзаро муносабатларини ривожлантириш мақсадида элчихоналар борасида келишиб олганлар. Бу ҳақда Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Испания Бош вазири Хосе Мария Азлар ўртасидаги учрашувдан сўнг эълон қилинган. Хосе Мария Азлар Қозоғистонга бир кунлик расмий сафар билан келган. Испания ҳайъати таркибида бир гуруҳ йирик испан ишбилармонлари бор. Жаноб Азларнинг айтишича, Қозоғистон Испаниянинг Марказий Осиёга кириб келишида имтиёзли ўринга эга бўлади.

«ВВС» (Лондон).

Tanlov

МЕН, СЕН ВА ИҚТИСОД

8-синфда ўқиётганимизда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди буйича «В» синф билан баҳслашдик. Рақибларимизнинг қули баланд келди. Яқинда, орадан 20 йил вақт ўтиб, тенгдошлар билан ўша беллашувни эсладик. Ҳақиқатда ҳам рақиблар биздан устун бўлганини тан олдик. Лекин ўша мушоира, баҳс бизда улуғ шоирнинг бетакрор шахсига, ижодига катта меҳр уйготган эди. Унда ўқиган шеърларимиз, қайси саволга қандай жавоб берганимиз барчамизнинг хотирамизда экан. Орадан 20 йил ўтиб, хатомизнинг нимадалигини таҳлил қилдик.

Тошкент шаҳар қўшимча таълим комплексида пойтахт туманлари мактаб ва гимназиялар ўқувчиларнинг «Мен, сен ва иқтисод» мавзуидаги танловини кузатиб, яна ўша беллашув ёдимга тушди. Бундай тадбирнинг аҳамиятини ҳис қилдим.

Баҳс уч турга бўлиниб, қатнашчилар ташриф қоғози, кичик лойиҳа, реклама буйича билим ва маҳоратини намойиш этишлари лозим эди. Мусобақа нафақат ўқувчиларнинг баҳси, балки устоз муаллимларнинг иқтисодга муносабатини ҳам аён этди. Инчунун, ўқувчилар мактабнинг юзи, жойлардаги иқтисод ва билимга муносабатнинг кўзгуси ахир. Танловга Сирғали, Собир Раҳимов, Миробод, Ҳамза тумани ўқувчилари ихлос билан тайёрланганги, пухта билимларини намойиш этди.

Саҳнада иқтисодий билим, табиатга меҳр, фикрлар баҳси бошланди. Дастлаб қатнашчилар иқтисод ҳақида, ўз мактаб-гимназиялари тўғрисида сўзладилар. Сўнгра экология ва табиатни асраб-авайлаш хусусида барча инсонларга мурожаат қилди, табиатнинг зарарланаётгани ҳақида аниқ рақамлар келтирилди. Сирғали тумани ўқувчилари «Иқтисодни ўзлаштириш қийин — аммо унинг барчага керак бўлиши тайин» деган шиор билан чиқди. Яккасарой туманидаги 160-мактаб-лицей ўқувчилари бир ўқ билан икки қўённи урди. Улар ўзларининг «Асалари» акционерлар жамияти мисолида иқтисодий билимларини намойиш этиш баробарида, табиатга бўлган меҳру муҳаббатларини намойиш этди.

Бундай баҳс-танловлар ўқувчиларни саҳнада ўзини тутишга, фикрни равон баён этишга ўргатади. Тенгдошларига назар солиб, ўзларининг илми, бўю бастини ўлчайди. Саҳнада ўқувчилар фантазияси, фикру ўйлар ранг-баранглиги яққол кўзга ташланди.

Собир Раҳимов туманидаги 209-мактаб-гимназия ёш иқтисодчилари қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳақида фикр юритди. Шайхонтоҳур тумани ўқувчилари эса, экологияни асровчи машина яратганлар. Танловда қатнашган ногирон болаларнинг Криди клуби вакиллари ҳам фаоллиги, фикрларини равон баён этишлари билан ажралиб турди.

Ҳаяжонли дамлар бошланди. Қатнашчиларга ҳомийлар совға улаша бошлашди. Ниҳоят учта фахрли ўрин қолди. Ким биринчи бўлар экан?

Учинчи ўрин Собир Раҳимов туманига, иккинчи ўрин Мирзо Улуғбек тумани ўқувчиларига ва ниҳоят биринчи ўрин Сирғали тумани ёш иқтисодчиларига насиб этди. Ғолиб ўқувчиларга рангли телевизор топширилди.

Ўқувчиларнинг қувончу кўз ёшларини кўриб, уларнинг барчасига соғлик, ҳаётда доимо ғолиблик тилагимиз келди. Ҳали фурсатлар ўтар, ўқувчилар ўзларининг ютуқ ҳамда камчиликларини тушуниб етишади ҳам. Лекин танлов баҳона ўқиган, ўзлаштирган билимлари ҳали ҳаётда кўп бора асқотиши аниқ.

Абурахмон ЖЎРА.

Суратда: беллашувдан лавҳалар.

ИБН СИНО МАТЕМАТИКАСИ

(Боши 1-бетда).

қами билан ҳинд ҳисоби усулида текшириш масаласига ўтади ва ушбу қоидаларни беради:

1. Агар сон 9 га бўлиниб, қолдиқда 1 ёки 8 қолса, у ҳолда ундай сонларнинг квадрати ҳамма вақт 9 га бўлиниб, қолдиқда 1 қолади.

Масалан 10 ёки 17 десак:

$10 = 9\cdot1+1$ $\quad 10^2 = 9\cdot11+1$

$17 = 9+1+8$ $\quad 17^2 = 9\cdot32+1$

Энди бу қоиданинг умумий исботини келтирамиз:

Берилган сонлар М ва N бўлсин. Қоидага кўра:

$M = 9п+1;$ $\quad M^2 = /9п+1/^2 = 81п^2+18п+1 = 9/9п^2 + 2п/^2 +1;$

$9/9п2+2п/$ ифода 9 га бўлинади ва қолдиқда 1.

$N=9к+8;$ $N^2=/9к+8/^2=81к^2 + 144к + 64 = 81к^2 + 144к + 6\ 3 +1 =9/9к^2+16к+7/+1.$

$9(9к^2 +16к + 7)$ ифода 9га бўлинади ва қолдиқда 1.

Тарихий маълумотларга асосан Ибн Сино $(а\pm в)^2=а^2\pm2ав+в^2$ формулани геометрик исботлаган.

Мустақил равишда исботлашлари учун яна бир неча қоидаларни келтирамиз.

2. Агар сон 9 га бўлиниб қолдиқда 2 ёки 7 қолса, у ҳолда бундай сонларнинг квадрати 9 га бўлиниб, қолдиқда ҳамиша 4 қолади.

3. Агар сонни 9 га бўлганда қолдиқда 4 ёки 5 сонлари қолса, у ҳолда бундай сонларнинг квадрати 9 га бўлиниб, қолдиқда ҳамиша 7 сони қолади.

4. Агар сон 9 га бўлиниб, қолдиқда 3,6 ёки 9 каби сонлар қолса, у ҳолда бундай сонларнинг квадрати 9 га бўлинади ва ҳамиша қолдиқда 9 қолади.

Ибн Сино сонларни кубга кўпайтирганда ҳам 9 рақами билан текшириш мумкинлиги ҳақида ҳам қоидалар келтиради.

1. Агар сон 9 га бўлиниб, қолдиқда 1,4 ва 7 қолса, у ҳолда бундай сонларни кубга кўтарганимизда натижаси 9 га бўлиниб, қолдиқда ҳамиша 1 қолади.

Исботи, а) $M = 9п+1$ бўлса, у ҳолда

$M^3 = /9п+1/^3 = 729п^3 + 243п^2+27п+1;$

$729п^3+243п^2+27п$ ифода 9 га бўлинади ва қолдиқда 1.

б) $N=9к+4$ бўлса, у ҳолда $N^3 = /9к+4/^3 = 729к^3+972к^2+432к+64=729к^3+972к^2+432+63+1;$

$729к^3+972к^2+432к+63$ ифода 9 га бўлинади ва қолдиқда 1.

в) $P=9m+7.\ P^3=/9m+7/^3=/9m/^3+3\cdot/9m/^2\cdot7+3\cdot9m\cdot7^2+7^3=729m^3+1701m^2+1323m + 343=729m^3 + 1701m^2 + 1323m + 342 + 1;$

$729m^3 + 1701m^2 + 1323m + 342$ ифода 9 га бўлинади. Қолдиқда эса 1.

Мисоллар кўрамиз:

$28 = 9\cdot3+1$ $\quad 28^3=21952=9\cdot2439+1$

$22 = 9\cdot2+4$ $\quad 22^3=10648=9\cdot1185+1$

$25 = 9\cdot2+7$ $\quad 25^3=15625=9\cdot1736+1$

Ёқутхон РАҲМОНОВА, Тошкент шаҳридаги 41-мактаб методист илмий бўлим мудири, халқ таълими аълочиси.

Ta'limda tadbirkorlik

БОҒОТНИНГ ИШБИЛАРМОН ДИРЕКТОРЛАРИ

Боғот тумани «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида жойлашган Ю. Искандаров номидаги ўрта мактабга моҳир ташкилотчи Қурбонбой Жуманиёзов кўп йиллардан бери раҳбарлик қилиб келмоқда.

Таълим-тарбия жараёни яхши йўлга қўйилиши билан бирга бу ерда тадбиркорлик ишлари ҳам ҳавас қилса арзигуликдир. Жумладан, мактабга тегишли 80 сотих экин майдонидан самарали фойдаланилиши натижасида қўшимча даромад топиш йил сайин ошиб боряпти. 200 туп узум, 60 туп олма, 10 туп ўрик ва бошқа мевали дарахтлардан олинган мевалар сотилиб, мактабга фойда келтирмоқда. Бу йил 30 сотих ерга кузги буғдойдан 46 центнердан ҳосил олиниб, мактаб жамоаси аъзоларига арзон нархда сотилди. Буғдойдан 21 минг сўм даромад олинди.

Ўтган йили узум ва бошқа меваларни сотишдан эса 65 минг сўмдан ортиқ маблағ топилган эди. Бу йилги режа эса 100 минг сўм атрофида фойда олишдир.

Ишлаб топилган маблағ мактабнинг ички эҳтиёжларига, ўқитувчи ва кам таъминланган оилалар ўқувчиларини рағбатлантиришга, байрам тантаналарини ўтказишга сарфланмоқда.

Шу мактабга қўшни Собир Раҳимов номидаги мактабда ҳам тадбиркорлик ишлари яхши йўлга қўйилган. Қўшни қўшнини кўриб ибрат олади деган гап бекорга айтилмаган-да! Бу мактабнинг 50 сотих ери бор. 100 туп узум ҳар йили яхши ҳосил бермоқда.

— Мактаб томорқасига сабзи, пиёз каби экинлар экилди. Бир тонна пиёз, бир тонна сабзи олиш ниятимиз бор, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Сапарбой Матчонов. — Сабзи, пиёз, гуруч ўқувчиларга овқат тайёрлашда ишлатилмоқда.

Мактаб қўшимча 3 гектар ерни жамоа хўжалигидан сўраб олиб, кузги буғдой экишни режалаштирмоқда.

ҒОЙИБ ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНЛИГИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт. Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Oltin meros

ҲУНАРМАНДЧИЛИГИМИЗ МАЪНАВИЯТИ

Кўп асрлик ривожланиш йўлини босиб ўтган ўзбек халқининг турли-туман ҳунармандчилик маданияти ўзига хос қадимий анъаналарга эга булиб, ижтимоий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаган.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида ҳунармандчилигимизнинг тўқимачилик соҳаси маҳаллий аҳолининг ижтимоий турмушига катта таъсир кўрсатган.

Тўпланган этнографик ва тарихий манбаларга кўра биргина Самарқанд уездининг Янгиқўрғон қишлоғи ва Суғот тумани аҳолисининг маълум қисми фақат қишлоқ хўжалиги билан эмас, турли-туман газлама ва гилам тўқиш, арқон эшиш билан шуғулланганлар. 1888 йили Самарқанд ва Каттақўрғон уездларида ана шундай ҳунармандлардан 2317 нафари тўқимачилик дўконларини ташкил этади. Ҳатто илмий изланишлар туфайли Узбекистоннинг жанубий ҳудудларида XX асрнинг бошларига оид кўплаб тўқимачилик анъаналарини учратишга муваффақ бўлинди. Бу ҳақда шу кунга қадар ҳеч нарса дейилмаган ва тўла-тўкис ёритилмаган.

Ижтимоий-тарихий шароит туфайли маҳаллий аҳоли, ўзи етиштирган пахталардан шу жойнинг ўзида турли хил газлама тўқиш ва уни ўзлари истеъмол қилиш ёки сотиш ҳунарманд учун фойдали фаолият бўлиб ҳисобланган.

Ип-газлама тўқиш устахонаси — дукон ва унинг меҳнат асбоблари ҳунарманднинг шахсий мулки булиб ҳисобланган. Статистик маълумотларнинг қайд қилишича, 1888 йилда Самарқанд вилояти бўйича 4057 ип-газлама тўқиш дукони булган.

Тўқув дастгоҳи, чарх, халажи XX аср бошларида ўзбек халқининг маҳаллий хусусиятига эга булган сўнгги меҳнат воситалари сифатида такомиллашган булиб, ҳунарманд фаолиятида муҳим аҳамият касб этган.

Чарх ҳудуд тўқимачилари орасида араблар истилосигача ҳам мавжуд булган. Ҳатто буюк соҳибқирон Амир Темур томонидан ўтказилган савдо тантаналарида ип йигириш ва тўқиш дастгоҳлари маҳаллий халқнинг моддий маданият буюми сифатида намойиш қилинган ва юқори сифатларга эга булган. Чарх оддий кўринишда ёғочдан тайёрланган ва иш жараёнлари унинг қисмларида олиб борилиб, пахта ва жунларни ип қилиб эшиш вазифасини бажарган.

Тўқув дастгоҳ — дукон кенг жойни эгаллаган булиб, маҳаллий ёғочлардан тайёрланган ва қўл ёрдамида ҳаракатга келтирилган.

Шуни таъкидлаш керакки, барча газламани тўқиш бир хил усулда амалга оширилган, аммо матосининг кўриниши, вазифаси ҳар хил булган. Хусусан, бадиий безакли газламаларга гул босиб амалга оширилмасдан бевосита ҳар хил рангли табиий тола иплардан тўқилган. Шу боис XX аср матолари қалами, алак (олача), пашшахона (дока), буз ва ҳоказо деб юритилган.

Халқимизнинг гиламдўзлик, наматдўзлик, арқондўзлик каби касб-ҳунарлари XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Зарафшон қишлоқ аҳолиси орасида оммавий равишда фаолият кўрсатган. Ҳунарнинг бу турлари билан қишлоқнинг кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор аҳолиси машғул булганлар. Улар жундан «қоқма», «араби», «ҳоли» деб номланувчи санъат буюмлари — гиламларни тўқиганлар, намат тайёрлаганлар, арқон эшганлар. Бироқ XIX асрнинг охири ва XX аср бошларига оид статистика ўзбек халқининг бу хилдаги моддий ва санъат буюмлари ҳақида тўлиқ маълумот келтирмаган, фақатгина XIX асрнинг рус сайёҳи Н. Маев 1880 йили Петербургда ташкил қилинган Бутун Россия саноат ва қишлоқ хўжалиги кўргазмасида ўзбек халқининг тўқимачилик ва каштадўзлик буюмлари намойиш қилинганлиги ва мақтовларга сазовор булганлигини, тадқиқотчи В. Г. Мошкова ўзининг этнографик маълумотларига таянган ҳолда маҳаллий халқнинг тўқимачилик касби жуда юқори даражадалигини эътироф этиб, бугун Шарқ ва Ғарбни лол қолдирган ўзбек халқининг маданият ва амалий санъат дурдонаси эканлигини таъкидлаганлар.

Дарҳақиқат, тўқимачилик, маҳаллий бобо-момоларимизнинг анъанавий ҳунари эканлиги билан фахрланибгина қолмасдан, аёлларимизга руҳий кайфият, маънавий озуқа берадиган касб булганлиги учун ҳам бу маданий меросимизни ардоқлаймиз. Маҳаллий аёлларимиз дастгоҳлар ёнида ишлаб, узларининг юрак дардларини ўзбек халқи термаларида ифодалаганлар. Хусусан қизлар ўзи тўқиган газламасини қадрлаб, севгилисига йўллаган салом ва насиҳатномаси:

Олам боши ғўра-ё,
Борсанг оғамни сўра.
Эшик олди шўра-ё,
Борсанг оғамни сўра.
Мен оғамдан айланай,
Қош-қовоғи тўла.
Айтинг бориб оғамга,
Пахса томда ётмасин.
Қаллиғи тиккан кашталар,
Ён бошида ётмасин.

Бинобарин, тўқимачилик касби ўзбек меҳнаткаш аёлларининг қарашларини ифодаловчи мактаб булиб ҳам ҳисобланган.

Шу боис республикамиз Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, биз бой ҳунармандчилик заҳираларига эгамиз. Мавжуд имкониятлар даражасида маҳаллий ҳунармандчилигимиз анъаналарини тула тирилтирсак, оталаримиз-момоларимиз маънавиятини, миллий маданиятимизни юқори поғонага кутарган булардик.

Мурод ЎРОҚОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институти доценти.

Ehtirom

ОДОБ ВА ОФТОБ КУЙЧИСИ

Баъзан бирор яхши одам ҳақида сўз кетса, яқинлари «Уни туманимизда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма билади» деб мақтайди. Бутун бир воҳага, бутун бир элга эзгу ишлари билан танилиш, ҳурмат топиш, севилиш — ҳар кимга ҳам мушарраф булавермайдиган бахт! Севимли болалар шоири Пулат Муминнинг номи эса Ватанимиз оша, улуғ Туронзамин оша узоқ-яқин мамлакатларда жаранглаб эшитилади. Унинг ниҳоятда беғубор, боболар мисол донишманд, ўқилиши енгил, жозибали шеърлари бошқа тилларда чоп этилган ўнлаб китоблари орқали узоқ Тайга бағрига ҳам, Болтиқбўйи қирғоқларига ҳам, Кавказ ва Помир тоғлари орасига ҳам, қозоқ ва қирғиз яйловларига ҳам аллақачон етиб борган. Шоирнинг шеърлари воқеабандлиги, тиниқлиги, болаларнинг тез ёдлашига қулайлиги, жуда катта масалаларни оддий ва содда, аммо ёқимтой, ишонарли тушунтира олиши билан ажралиб туради.

Пулат Муминнинг 1949 йилда нашр этилган илк «Сайранг қушлар» шеърий тўплами болалар адабиётига ўзига хос оҳанг ва соз билан кириб келаётган истеъдод соҳибидан дарак берган эди. Ана шу китоб мисолида табиат манзаралари тасвири, тилсиз дўстлар оламига саёҳат, ёш ватанпарвар, меҳнатсевар, аълочи ва жамоатчи, одобли ва меҳрли, истараси иссиқ, теран кўз фарзандларимиз сиймоси болалар адабиётининг бўш турган жойларини тўлдираётганини устозлар, адабий жамоатчилик алоҳида таъкидлаган эди. Бу умид ва ишончга шоирнинг бирин-кетин нашр этилган «Тонг куйлари», «Олтин бошоқлар», «Уринбосарлар», «Тиш чўтка, порошок, атирсовун эртаги», «Офтоб чиқди оламга», «Ҳунардан унар», «Тўғри ўсган гул булар», «Эҳ, роса ширин экан», «Газ полвон эртак айтар», «Ақл қаерда булар?», «Чангютар ботир», «Энди адашмайди», «Хурсандмисиз? Хурсандмиз», «Олтин най», «Раҳматга раҳмат», «Қовоқвой билан Чаноқвой», «Эсон ва Омон», «Одоб ва офтоб», «Яхшиларга ўхшасам», «Олтмиш олти олтин қўл», «Бу — жуда соз», «Барча бола дўст булса» сингари қатор китоблари жавоб бўлди. Бу китобларда ўз атрофидаги ҳаммаҳамманинг олқишини олган, келажагимизнинг чинакам эгаси булиш ҳозирлигини кўраётган, иродали, ғайратли, ўқиши ва юриш-туриши билан ота-оналар умрига умр қўшаётган, орзуларнинг нурли чўққисига интилган болаларнинг қалби уриб туради.

Шоирнинг ҳар бир шеъри ҳаётнинг инсон тарбиясига таъсир этадиган у ёки бу парчасини кўз олдингизга келтиради. Сизни ўша ҳаётнинг иштирокчисига айлантиради. «Пулат Мумин, — деган эди машҳур болалар шоираси Агния Барто, — эътиборни жалб этадиган шоир. Унинг «Мирзачўл қовунлари» шеъри жуда ажойиб шеър. Унда жозибадорлик ва аниқ сюжет бор. Сюжет ҳамиша шеърда тартиб ўрнатади. Ортиқча нарсаларни чиқариб ташлашга мажбур этади, сюжет воқеаларни композицион изга солишга ёрдам беради». Шоир шеърларининг қулма-қўл булишининг, ҳамма жойда «куп ва хуп» ўқилишининг боиси ҳам, сири ҳам шунда.

Пулат Муминнинг катта изланишлар меваси булган ўзига хос услуби, унинг лирик қўшиқларида, ҳажв-юморларида, публицистик асарларида ҳам яраклаб кўринади. У болаларга севимли булиш билан бирга катталарни ҳам оромбахш ашулалари, дил-дилни яйратувчи ишқий ҳаяжонлари, самимий юморлари билан хушнуд этади. Бугунги қўшиқчилигимизни Пулат Муминнинг дилни яйратувчи, дилимизга муҳаббат нурини тўкувчи қўшиқларисиз тасаввур этолмаймиз. Шоир болаларнинг энг сермаҳсул драматурги. Унинг «Қовоқвой билан Чаноқвой», «Суқатой — Конфетвой», «Оқ фил йўқолди», «Баҳодирнинг баҳодирлиги» ва бошқа асарлари болалар театри саҳнасининг кўрки булиб қолди.

Ижоднинг ҳамма кўриб турган бу чўққисига шоир тинимсиз ўқиш, ўрганиш, ўзидан кечиб ишлаш, узгалар муваффақиятидан қувониш, покиза дил билан чиқди. Изланиш жараёнида у ўзбек кичкинтой китобхонларини А. Барто, С. Маршак, Д. Н. Мамин-Сибиряк, Н. Носов ва бошқаларнинг асарлари билан таништирди.

Болаларни улуғ боболарга, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда бадиий ижоднинг турли жанрларидан фойдаланаётган шоир китоблари ўз ўқувчисининг кўнглини эзгулик нури билан тўлдиради. Одамийлик шарафланган «Ўн икки шарт, уни бажар» шеъри ҳунар эгаллашнинг истиқболига, меҳнат шарофатига бағишланган «Олтмиш олти олтин қўл» шеърий туркуми, офтоб, инсон, яратиш мавзуидаги асарлари кўз олдимизга қалби қуёш мураббийни келтиради. У офтобни, одобни эъзозлайди. «Офтоб яхшими, одоб яхшими?» деган саволга «офтоб берар нур, одоб-чи ҳузур. Лолалар учун офтоб яхшидир, болалар учун одоб яхшидир» деган шоир билан бирга Сиз ҳам «Офтоб бўлмаса қоронғу тушар, одоб бўлмаса ғамқайғу тушар, офтоб кўринар тоғ-тепаликда, одоб кўринар салом-аликда» деб куйлайсиз. Шоир давом этади:

Одоб ҳар кимнинг
Яхши сўзида.
Одоб ҳар кимнинг
Юзу кўзида.
Оламнинг юзи
Офтобдан исир.
Одамнинг юзи
Одобдан исир.
Оламнинг доим
Офтоби бўлсин.
Одамнинг доим
Одоби бўлсин!

Ўз умрини катталарнинг ҳам, кичикларнинг ҳам дилдилини ана шундай покиза туйғулар билан зийнатлашдай мақсадга қаратган устоз Пулат Мумин шу кунларда 75 ёшга тўлди. Биз унинг шогирдлари офтоб ва одоб куйчисига ҳамишалик бардам соғлик, баланд кайфият, ижодий файз тилаймиз.

Йўлдош СУЛАЙМОН.





Бугун таълим-тарбия жараёни ижтимоий ҳаётимизда устивор мавқега эга бўлди. Зарбдор туманидаги 7-ўрта мактаб жамоаси ҳам ана шу устиворликни ўзига хос тарзда тушуниб фаолият кўрсатаяпти.

Суратларда: шу мактабнинг жонкуяр ўқитувчилари.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Bu dunyoda...

МАХСУС ФОРМУЛА

Товушнинг ҳаводаги тезлигини биринчи марта И. Ньютон 1687 йилда махсус формула асосида ҳисоблаб чиқарди. У товушнинг тезлиги нормал шароитдаги ҳавода секундига 280 метрга тенглигини аниқлади.

Товуш тўлқинини тарқатаётган пайтда ҳавонинг қисилиши ва сийраклашиши туфайли ҳарорат ўзгаради. Бу ҳол Ньютон формуласида эътиборга олинмаганини 1816 йилда биринчи бўлиб П. Лаплас пайқади.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

Fanimiz fidoyilari

ЎЗБЕК СПОРТИ ПРОФЕССОРИ

Узбеклардан спортчи олимлар чиққанлигини ҳеч эшитганмисиз? И-е, йўқ дейсизми?! Булмаса эшитинг, узбеклардан зур спортчи олим чиққан. Мен Абдуллони мактаб партасида ўқиб юрган давридан яхши биламан. У илм ва спортга жуда қизиқар эди. Тошкентдаги жисмоний тарбия институтини битириб, Бухоро давлат педагогика институтига ишга келгач, Абдулло спорт билан кўп шуғулланиши натижасида республика чемпиони бўлди. Санкт-Петербург давлат жисмоний тарбия институти кундузги аспирантурасига ўқишга кирди.

«Узбекистонда миллий спорт турлари (кураш), ўзбек миллий ўйинлари ва махсус машқлар ёрдамида мактаб ўқувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантириш» мавзуида номзодлик илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Орадан ўн йил ўтиб, Москва давлат педагогика институтининг докторанти бўлди. Ниҳоят кўп йиллик машаққатли меҳнати натижасида 1984 йилда «Оилада жисмоний тарбия назарияси ва амалиёти» мавзуидаги докторлик ишини ҳимоя қилди.

— Инсон ўз лаёқати, имкониятини яхши билиши, қўлидан келадиган ишга қўл уриши зарур, — дейди Абдулло Атоев. — Шундагина ундан халқ ҳам, жамият ҳам манфаат кўради, умри беҳуда ўтмайди.

Дарҳақиқат, олим ўзи бу ақидага умр буйи амал қилди. 1986 йилда Бухоро вилоят педагогика жамияти йиғилишида Абдуллони вилоят педагогика жамиятининг раиси этиб тайинладилар. Бу масъулиятли ишда ҳам олим етти йил жон куйдириб ишлади. Натижада жамият иши кун сайин жонланиб, таълим-тарбияга дахлдор бир қатор долзарб муаммолар ечимига эришилди. Бу даврда профессор Абдулло Атоев ўзининг «Вилоят мактабларида жисмоний тарбиянинг йўлга қўйилиши» мавзуида илмий методик қўлланмасини нашрдан чиқариб, мактабларга тарқатди. Илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида жумҳурият ва вилоят матбуот ва журналларида 90 дан зиёд илмий ва оммабоп мақолалар эълон қилди. Етти йил давомида 110 дан ортиқ методик қўлланмалар нашр эттирди ва уларни вилоят мактабларига услубий ёрдам сифатида юборди.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, Абдулло Атоев жисмоний тарбия услубиёти бўйича Марказий Осиё республикаларида докторлик илмий даражасини олишга эришган биринчи олимдир. У ўз келажагини илм билан боғлаган ўнлаб ёшларнинг устози саналади. А. Атоев раҳбарлигида чоржўйлик Виталий Кишиков докторлик, хоразмлик Озод Аламов, бухоролик Ражаб Қодиров, Шуҳрат Абдуллаев, Чимкентдан Жахид Биданов, Мардон Сапарбаев, Чоржўйдан Қурбонмурод Язиев ва бошқа ўндан зиёд аспирантлар эса номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

Абдулло Атоев иш давомида бир неча шогирдлар тарбиялади. Жаҳон ва Европа чемпиони Собир Қурбонов, машҳур спортчилар Чори Шарипов, Барно Жураев, жаҳон чемпионати совриндори Ботир Хўжаев, спорт устаси Шуҳрат Бафоев, қоракуллик номдор полвонлар сулоласи вакилларидан Комил ва Нурмен Юсуповлар шулар жумласидандир. Профессор Абдулло Атоев ҳаётининг қирқ йилини олий таълим тизимида ўтказди. Мана, олти йилдирки жонкуяр олим Бухоро давлат университети жисмоний тарбия кафедрасини бошқариб келмоқда.

Тиниб-тинчимас олим ва спортчининг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Буни биз унга берилган Узбекистонда хизмат кўрсатган спорт мураббийси, Узбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи, халқ маорифи аълочиси каби унвон-нишонлар тимсолида ҳам кўришимиз мумкин.

Маҳди НОСИРОВ,
Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси меҳнат фахрийлари кенгашининг котиби.

Maktab sahnasi uchun

Ҳар гал миллий тарихимизга доир манбаларни варақлаганда юрагимдан бир армон кечади: нега узоқ йиллар маҳрумият дунёсида яшадим? Нега кучга тўла навқирон ёшимда Темур ҳаётидан бехабар қолдим? Нечун Яссавий, Имом Бухорий, Амир Кулол, Нақшбанд, Замаҳшарий номлари биздан яшириб келинди? Улардан қолган мерос инсониятнинг шарафли мулки экан-ку, дейман. Ва шунда мустақиллик даврини кўрганимга, аждодларим меросидан баҳраманд бўлиш насиб этганига шукроналар айтаман. Болалар ва ёшларимиз ҳам тезроқ бу дурдона асарлардан маънавий озиқ олишларини истайман, улуғларимиз ҳақида ёшларга қўлдан келгунча хабар етказишга шошаман. Хуллас, ўқувчилар учун кичик-кичик пиесалар ёзишга киришдим. Мактаб саҳнасида ўйналадиган асарлар ёза бошлаганимдан мақсад маърифий билимларни ёшлар онгига тезроқ етказишдир. «Бухорий дарси»да мен илм йўллари машаққатли экани, буюклик, шон-шуҳрати инсонга осонликча келмаслигини кўрсатмоқчи бўлдим.

Муаллиф.

Миразиз АЪЗАМ

БУХОРИЙ ДАРСИ

ЎЙИН-ПИЕСА

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

ҲАКИМ — 7-синф ўқувчиси. 13—14 ёшларда. Таъсирчан, тасаввури бой, хаёлчан бола.

САИД — Ҳакимнинг синфдоши ва тенгдоши. Кўпроқ иш ва ўқиш билан машғул, зийрак бола.

МАНСУР — Ҳаким ва Саиднинг синфдоши, тенгдоши. Зеҳни ўткир, ҳозиржавоб, ҳазилкаш бола.

ЎҚИТУВЧИ — 30—35 ёшларда. Закки, болаларга меҳрибон киши.

ЎҚУВЧИЛАР.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Мактаблардан биридаги оддий синф хонаси. Синфда уч синфдош — Ҳаким, Саид ва Мансур ўтиришибди.

ҲАКИМ — Менга қара, Саид, бир нарса ҳеч хаёлимдан кетмаяпти. Сен нима деб ўйлайсан: ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги муносабат қандай бўлиши керак?

САИД — Ўзаро ҳурматга асосланган... Бу ҳаммага маълум, минг марта айтилиб келган гап-ку! Нимасини ўйлайсан?

ҲАКИМ — Албатта... Аммо мен бошқа нарсани айтмоқчийдим. Мана, масалан, ўқитувчи дарс бераётиб адашди, дейлик. Нотўғри фикр айтди. Буни англамаган бола индамай эшитиши мумкин. Пайқаган бола эса ё фикрни тузатиши, ё била туриб атай индамаслиги мумкин. Ўқитувчини изза қилмай деб индамайди... Фақат дарсдан кейин муаллимга секингина хато қилганини айтади, дейлик... Шу тўғрими?

МАНСУР (Гапга аралашади) — Менимча, тўғри. Секингина қулоғига айтса, кейинги дарсда муаллим ўз хатосини ўқувчиларига айтади. Ҳеч ким хафа бўлмайди.

ҲАКИМ — Мен ҳам шундай деб ўйлардим. Лекин, дўстим, «илмнинг шарафи» деган гап ҳам бор. Мана Имом Бухорий «Алжомеъ ас-саҳиҳ» китобларида шундай ҳадисни келтирганлар: «Илм аҳли илм шарафини қандай ҳимоя қилса илм ҳам уларни шундай ҳимоя қилади». Менимча, муаллимнинг хатосини сеза туриб индамасак, ўз иззат-нафсимизни ўйлаган, илм шарафини бой берган бўламиз. Муаллим-ку ҳеч вақт ўз ўқувчисига душман бўлиб қолмайди, аммо душман бўлиб қолиш эҳтимоли бўлса ҳам, биз илмда тўғриликни ҳимоя қилишимиз керак.

Ўқитувчи киради. Синф ўқувчилар билан тўлади. Одатдаги салом-аликдан сўнг ўқитувчи ўқувчиларига юзланади.

ЎҚИТУВЧИ — Қани, болалар, тинчланинг! Бугун, келишганимиздай, Имом Бухорий дарсини ўтамиз. Ҳозир ўн бола ўн ҳадис айтсин. Қисқа-қисқасидан...

1-ЎҚУВЧИ — «Ислом дини беш далилга асосланган: Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги ва Муҳаммад Оллоҳнинг қули ва элчиси эканлигига иноннмоқ, намоз ўқимоқ, закот бермоқ, ҳажга бормоқ ва Рамазон рўзасини тутмоқ».

2-ЎҚУВЧИ — «Тўрт хислат борки, кимда бор бўлса, у аниқ мунофиқдир. Булар: омонатга хиёнат, ёлғон сўзлаш, шартнома тузиб шартида турмаслик ва уришганда кек сақлаш ва ноҳақлик қилиш».

3-ЎҚУВЧИ — «Илмга илм олмоқ йўли билан эришилгай».

4-ЎҚУВЧИ — «Осонлаштиринг, қийинлаштирманг. Қизиқтиринг, бездирманг».

5-ЎҚУВЧИ — «Мусулмон одамнинг ҳақ йўлида (Ватан йўлида) урушиб олган ҳар бир жароҳати қиёмат куни қон пишқираётгандай кўринади, ранги қон ранги, лекин ҳиди мушк ҳиди бўлади».

6-ЎҚУВЧИ — «Одам қиладиган гуноҳи азимлардан бири — ота-онасини ҳақорат қилмоқдир... Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлур».

7-ЎҚУВЧИ — «Сиз ҳаммангиз чўпонсиз, қўл остингиздагиларга жавобгарсиз: юрт бошлиқлари ҳам чўпондир, халқнинг аҳволи учун масъулдирлар. Ота — оила чўпонидир, оиласи учун масъулдир. Аёл уйининг чўпонидир, уйидаги тартиб, саранжом-саришталик учун масъулдир. Хизматчи бошлиғига тегишли молҳолнинг чўпонидир, қўл остидаги нарсалар учун масъулдир».

8-ЎҚУВЧИ — «Мусулмон одам дарахт экар, унинг ҳосилидан инсон еса ҳам, ҳайвон еса ҳам эккан кишининг садақаси ўрнида ўтади».

9-ЎҚУВЧИ — «Яхшилик садақадир». «Инсонларнинг орасини бузмоқ учун ғийбатчилик қилганлар жаннатга киролмайдилар».

10-ЎҚУВЧИ — «Мард одам деб уни-буни куришда енгган одамларга айтилмайди. Ҳақиқий маънодаги мард, аччиғи келганда ўзини тута билганлардир».

ЎҚИТУВЧИ — Яшанглар, раҳмат.

Қўнғироқ. ПАРДА.

(Давоми бор).



МУЗ АСРИ ҚАЙТАДИМИ?

Ажойиботларга бой бўлган бу дунёда нелар бўлмайди дейсиз. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, Ер сайёрасида яна муз даври қайтиш эҳтимоли бор. Антрактидадан топилган дарахт қолдиқлари Шимолий ва Жанубий қутблар бир вақтлар ўрмонзорлар бўлганидан дарак беради.

Ер шари 500 миллион йилдан буён иссиқ сув ва иқлим манбаи, совуқликни ушлаб турувчи музликлар ва иссиқликни сақловчи тропик ерлар орасида чайқалиб турибди. География олимлари ҳозирги мавжуд иқлимни музхона деб атамоқдалар. Чунки Қутбдаги муз қатламлари жуда ҳам қалиндир. Кўплаб иқлимшунослар эса Ер курраси исий бошлаганини тан олмоқдалар. Шунга қарамай охирги изланишларнинг кўрсатишича, бу фақат вақтинчалик жараён.

Шимолий Англиянинг Лиц университети мутахассиси Жем Французнинг фикрича, келаси бир неча миллион йил ичида Ер яна муз асрига қайтиши мумкин. Ж. Француз буни қуйидагича изоҳлашга уринади:

— Ҳатто муз асрида ҳам биз қандайдир даврий ўзгариш томон юз тутамиз. Ва бунда Ернинг иссиқлиги анча кам бўлади. Иссиқлик бироз бўлса ҳам ҳозирги мавжуд минтақасида сақланиб қолар экан, биз барибир муз асрига, ортга қараб кетаверамиз. Агар Ер исиб кетса, Қутб минтақасида илк кутилмаган вазият юзага келади. Антрактидада муз қатламлари Арктикага қараганда анча қалинроқдир. Шу сабабли иқлим ўзгаришини жуда сезувчан. Худди шу сезувчанлик Антрактидани иқлимни ўрганиш мумкин бўлган энг яхши ҳудудга айлантиради.

Жем Француз бир неча йил аввал америкалик олимлар Антрактида музликларида қандай кашфиётга дуч келганликлари тўғрисида ҳикоя қилади:

— Улар жуда юпқа ва майда чириндилар қолдиғини топишди. Улар орасида ёғоч ва япроқлар қолдиғи бор эди. Мен бу ердан топилган ёғоч чириндиларини кейинчалик кўздан кечирдим. Ушбу ёғоч ва япроқ қолдиқлари бугунги Янги Зеландия қирғоқларида, Тасмания ва Жанубий Америкада ўсадиган дарахтларга алоқаси борлигини аниқладик. Ушбу дарахт қолдиқлари асосида биз ўша даврдаги иқлим ҳолати ҳақида тахмин қилиш имкониятига эга бўлдик.

Кейинги изланишлар ушбу дарахтлар 2 миллион йил аввал ўсганлигини кўрсатди. Бироқ ушбу қадимий япроқлар орасида яна бир муҳим далил яширинган эди. Ўша қадим қолдиқларнинг кўрсатишича, Антрактидада дарахт ва гиёҳлар ўсишидан аввал ҳам муз қатламлари бўлган. Ушбу музликлар Ер иқлимининг исиши натижасида эриб кеттан ва бу ерларда ўсишига имконият яратган . Кейинроқ эса яна минтақага муз асри қайтиб келган.

Қанчалик ачинарли бўлмасин, Ер яна муз асрига юз тутганида биз ҳаёт бўлмаймиз. Бироқ Ер иқлими ўзгаришини янада чуқурроқ ўрганиш заминимизнинг ҳозирги исиб бориш оқибатларини бартараф этишга ёрдам бериши мумкинлигини эсдан чиқармаслигимиз керак.

«Интернет» асосида Норали ОЧИЛОВ тайёрлади.

Sport maydoncha si

МУҲИМ ЯНГИЛИК

Ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг жаҳон чемпиони бўлиши билан бирга мамлакатимизда яна бир муҳим янгилик бўлди. Ўзбекистон бутун дунё миқёсида фаолият кўрсатаётган жаҳон профессионал бокс ассоциациясига (WBA) қабул қилинди.

Муҳими шу йилдан бошлаб афсонавий Муҳаммад Али, Тайсон, Фрезер, Холифилдлар қатори бизнинг профессионал боксчиларимизнинг ҳам номи дунё узра тарқаладн.

ДЗЮДОЧИЛАРНИНГ ОМАДИ КЕЛМАДИ

Франция пойтахти Парижда дзюдо бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда бизнинг юртдошларимиз ҳам иштирок этишди. Бироқ ғолиблик масаласида спортчиларимизнинг омади юришмади.

Андрей Штурбабин билан Владимир Шманов тўққизинчи ўрин билан кифояланишди. Яна бир юртдошимиз Армен Богдасаров эса, биринчи учрашувдаёқ японияли спортчига таслим бўлди.

ФАРҲОДнинг ЖАСОРАТИ

Тбилисида ўтказилган самбочилар жаҳон чемпионатида эса дунёнинг 29 мамлакатидан келган спортчилар иштирок этди. Унда бизнинг вакилларимиздан Тойлоқдаги республика Олимпия ўринбосарлари билим юртида таҳсил олган самбочи Фарҳод Хўжамов муваффақиятли иштирок этиб, бронза медалини қўлга киритди.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧРАШУВЛАР

16-жаҳон чемпионатининг «Б» саралаш гуруҳида яна бир учрашув ўтказилди. Япон футболчилари ўзида БААни қабул қилишди. Ҳисоб 1:1. Шундай қилиб, иккинчи йўлланмага даъвогарлик қилаётган японлар охирги учрашувлардан бирини Қозоғистон билан ўтказади. Умидсиз қолган қозоқлар ушбу учрашувда ютса, японлар ҳам жаҳон чемпионатига боролмайди. Ютилса... ҳаммасини Корея — Япония учрашуви ҳал қилади.

ЙЎЛЛАНМА УЧУН КУРАШ

Оврўпа саралаш ўйинларида ҳам ўзига хос натижалар қайд қилинмоқда. Маълумки, яқин кунлар ичида битта йўлланма учун Италия — Россия футболчилари беллашиши шарт. Бу борада бўлажак жаҳон чемпионатининг ташкилотчиларидан бири Мишел Платини шундай деди. Чемпионатда барибир Италия терма командаси қатнашиши шарт. Акс ҳолда ўйинлардан ранг-баранглик кўтарилади.

Xullas...

АНТИҚА ЎҒРИЛИК

Аёллар сумкасига нима яшириш мумкин? Айниқса у йўл сумка бўлса? Бавариялик чегарачилар буни аниқлашди. Германия-Австрия чегарасида фуқаронинг йўл сумкасидан тирик эркакни қўлга олишди. Энг қизиғи шундаки, фуқаро Р. ноқонуний равишда севгилисини эмас, балки қонуний эрини ўғирлаб кетаётгани маълум бўлди. Энди жиноятчи Германия суди олдида «тирик маҳсулот ўғирлагани» учун жавоб бериши керак. Антиқа ўғрилик...

ЎҚ ОТАР РУЧКА

Челябинскдаги 113-мактабда дарс вақтида ўқ отилди. Нимадан дейсизми? Оддий авторучкадан.

2-синф ўқувчиси О. сайр қилиб юриб, ручка топиб олди. Ва уни дарсга олиб кирди. Ручка эса оддий бўлмай, ўқ отишга мосланган қўлбола қурол экан.

ОНА БЎЛИШ ОСОНМАС

Кемирова туғруқхоналарининг бирида бирданига тўрт чақалоқ дунёга келди. Уларнинг иккиси қиз ва иккиси ўғил. Нима бўпти, дейсизми? Энг қизиғи ҳам шундада. Чунки Бардешевлар оила қуришганига ўн йилдан ошган. Бахтли она эса туғмай-туғмай, бугун тўртта чақалоқни эркалаб ётибди. Баъзан йиғлаб ҳам олади. Сабабини сўрашса, «фарзанд кўриш яхшию тўрттови тенгидан йиғласа, қайси бирига қарашни билолмаяпман», дейди. Шунга айтадилар-да, «она бўлиш осонмас» деб.

БЎРИЛАР ҲУЖУМИ

Маленков туманидаги қишлоқлардан бирида оч бўрилар изғиб қолишди. Улар гоҳ қишлоқдаги товуқларга, гоҳ молу қўйларга, гоҳида эса одамларга ҳам хужум қила бошлади. Аввалига ҳеч ким эътибор бермаган бу ҳол натижасида ўнта мол, ўттизта товуқни бўрилар ҳазм қилиб юборишди. Шундан сўнг қишлоқ аҳли икки гуруҳга бўлиниб, бўри овига чиқишди. Фақаттина учта бўрини овлашга эришишди, холос. Бўрилар эса ҳамон хужум қилиб туришибди. Қишлоқда эса энди итлар тинч юра олишмаяпти. Чунки улар бўрилардан овчиларни огоҳ этаётганлари йиртқичларга хуш келмади чоғи, ҳар замон, ҳар замонда итларга хужум қилиб туришибди.

ana shunaqa gaplar

Ko'ngil bitiklari

ЭЙ, ФАЛАКДАГИ ЮЛДУЗ

Кеча олис фалакда сизни кўрдим, эй юлдуз,
Кайфиятингиз аъло, хотирингиз жам экан.
Агар билсангиз менинг бағримга кеча-кундуз
Заҳм етказмиш фироқ, санчимиш тиғу тикан.

Кўксига юрак эмас, гавҳар қадалган юлдуз,
Сизга шайдодир неча ойдин юз, неча гул юз.
Тангри сизни алардин ортиқ санабди бир оз,
Алар изтироб чекмиш, етказа олмай дилроз.

* * *

Тийра бу кўнглим чароғон эта олмагай ҳеч ким,
Лутф айла бир бора, дебон ҳориб, толмагай ҳеч ким.
Беркитурман-ки юзим ул сўзларидин нолибон,
Лаҳза суҳбат айламоққа имкон топмагай ҳеч ким.

Тараҳҳум айламасман аларга сочса ҳам гуҳар,
Рухсоримни сенга ёлғиз кўргазгум бор мунаввар.
Ки таскин топгил сўзимдин ранжи-афғон чекма ҳеч,
Магар рад этмасанг ҳар дам юзим очгум муқаррар.

* * *

Макони қаср бўлса-да
гулсиз булбул сайрамас,
Ёрдин айри кўнгил ҳатто
ватанида яйрамас.

Булбул ғами ғунча эрур
зар эмас, гавҳар эмас,
Айри кўнгилга хаёл бас,
ўзга важ даркор эмас.

ХУРШИДА.

Afsus

ЮЛҒИЧ

Андижон шаҳрининг Фурқат номли кўчасида ишга шошилиб кетаётган Н. Йўлчиева безори йигитнинг қилиғидан капалаги учиб кетди. Негаки, ушбу зўравон бола шамолдай учиб келиб, бўйнидаги тилла занжирини юлиб олдию жуфтакни ростлаб қолди.

Бироздан сўнг ўзини ўнглаб олган тилла мунчоқсиз қолган қиз кўз ёшларини мунчоқ қилиб, ички ишлар бўлимига келди.

Ички ишлар ходимлари безори бола ҳақидаги тафсилотларни эшитиб олгач, унга қармоқ ташладилар. Қармоққа илинган бола эса мактабни ҳам барвақт йиғиштириб қўйган 1981 йил туғилган М. Б. бўлиб чиқди.

Мактабдаги ўқитувчилар тарбияси кор қилмаган бу юлғичга панжара ортидаги тарбия зора кор қилса эди. Ҳозир терговни олиб бораётган ички ишлар ходимларининг шу ҳақда ҳам ўйлаб, бошлари қотиб турибди.

НОКАС

Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида яшовчи И. О. исмли аёл кечаси 00.30 ларда бехосдан уйғониб кетди. Қўнгли алланечук бўлиб турганди. Уни безовта қилган шарпа яна пайдо бўлиб, қани пуллардан буёққа чўз-чи, деб ўшқириб юборди.

Нима бўлаётганига, яъни бу воқеа худди тушида бўлаётгандек, ҳанг-манг бўлиб қолган аёл ўзига бир-икки мушт тушгандан сўнг ўзига келди. Шу орада ўғиллари ҳам уйғониб, шов-шув кўтара бошладилар. Уларнинг овозини «ўчиришга» уринган жиноятчи бунинг уддасидан чиқа олмагач, секингина жуфтакни ростлаб қолди.

Ишнинг киши ёқасини ушлар даражадаги томони шундаки, тунда ушбу хонадонга кириб босқинчилик содир этган бу шахс мазкур хонадонга қўшни бўлиб яшар экан.

Ички ишлар ходимлари эса муқаддам судланган бу йигитни яна қора курсига ўтқазишди. Ўз қўшнисини бировлардан ҳимоя қилиш ўрнига ярим тунда ўзи безовта қилган шахсни қандай инсон деб аташ мумкин?..

Ушбу воқеадан биринчи хабар топган ҳамкасби беихтиёр «Нокас!» деб юборди.

Ш. РЎЗИЕВ, милиция катта лейтенанти.

МУКОФОТНИНГ ЯНГИ БАҲОСИ

Қувайт халқаро хайрия жамғармаси пойтахтдаги Темурийлар даври тарихи давлат музейида Имом ал-Бухорий авлодлари билан маданий меросни ўрганишда хамкорлик қилиш лойиҳаси бўйича Абдулазиз Сауд ал-Баббтин номидаги «Имом ал-Бухорий авлодлари» йиллик мукофотининг 1998 йилда таъсис этилишига доир унинг шартлари ва асосий йўналишларини эълон қилди.

— Мукофотнинг 1997-1998 йилги миқдори юз минг АҚШ долларини ташкил қилади, — деди жамоатчилик билан бўлган мулоқотда жамғарма Бош директори жаноб Доиж Халаф ал-Шамари. — Илк бор 1996 йили таъсис этилган ушбу мукофот 1998 йили Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини нишонлаш арафасида қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотларга берилади: Марказий Осиё, Россия ва Кавказорти давлатларига доир иллюстрацияли тадқиқотлар, археологик ва тарихий ёдгорликларни тадқиқ этиб ўрганиш; мазкур минтақа адабиётларини танқидий ўрганиш (ривоят, шеър, театр, адабиёт), шу минтақа марказий кутубхоналари ва музейларида сақланаётган қўлёзма асарларни чуқур ўрганиш ва тадқиқотлар олиб бориш.

Шунингдек учрашувда мукофотни бериш шартлари ҳамда тадқиқотларни тақдим қилиш ва танловда иштирок этиш тартиби хусусида ҳам ахборот берилди.

Тадбирга Амир Темур жамғармаси, Қувайт халқаро хайрия жамғармаси ва унинг Ўзбекистон бўлими ходимлари, шарқшунос олимлар ва матбуот вакиллари қатнашдилар.

Н. УСМОНОВ.

ЭНГ ЯХШИ МАҚОЛАЛАР ТАНЛОВИ

Педагогика, психология фанлари соҳасида энг яхши илмий мақолаларнинг ўтказилган йиллик танлови кенг илмий жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинди. Шу сабабли Халқ таълими вазирлиги бу танловни ҳар йили ўтказиб туришга қарор қилди. Айни пайтда Танлов Низомига кўп сонли илмий ходимларнинг таклифлари асосида баъзи ўзгаришлар ҳам киритилди: 1997 йилдан бошлаб қуйидаги Низом асосида энг яхши мақолалар танлови ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси аспирант, докторант ва илмий изланувчиларнинг педагогика ва психология фанлари соҳасидаги илмий мақолаларининг йиллик танлови тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур танлов педагогика, психология фанлари соҳасида илмий иш олиб бораётган истеъдодли олимларни намоён этиш, уларнинг ижобий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ўтказилади.

2. Танловда Узбекистон Республикаси барча олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтларининг педагогика ва психология фанларидан илмий ишлар ёзаётган 45 ёшгача булган аспирант, докторант ва илмий изланувчилари иштирок этишлари мумкин.

3. Танловга педагогика ва психология фанларининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий мақолалар қабул қилинади.

Танловнинг барча масалалари билан боғлиқ бўлган ишлар, Халқ таълими вазирлигининг фан бўлими томонидан амалга оширилади. Бу ерда педагогика ва психология фанлари бўйича эксперт гуруҳлар тузилиб, танловга юборилган ишлар таҳлил қилинади ва I, II, III ўринлар аниқланиб, вазирлик раҳбариятига мукофотлаш учун тавсия этилади.

II. Танлов учун юбориладиган илмий мақолаларга қўйиладиган талаблар

1. Танловга юборилган илмий мақолалар якка тартибда ёзилган бўлиб, ҳажми 0,5 босма табоқдан ортмаслиги ва таҳрирдан чиқарилган 1,5 интервалда қора лента орқали машинкада ёки компьютерда ёзилган бўлиши лозим. Танловга мақолалар 2 нусхада юборилади.

2. Илмий мақолалар билан бирга, юқоридаги техник талабларга риоя қилинган ҳолда, унинг моҳиятини акс эттирувчи 2 нусхада аннотация ҳам тақдим этилади.

3. Илмий мақола мазмунида қуйидаги жиҳатлар ёритилиши шарт:

— илмий мақолада кўзланган мақсад ва вазифалар нималардан иборат эканлиги;

— илмий мақолада тажриба-синов майдонларида олиб борилган ишларнинг ёритилиши ва улардан олинган натижалар, илмий хулосалар баён этилиши;

— илмий мақолада хулоса ва натижаларнинг халқ таълими ва халқ хужалиги учун фойдали томонлари кўрсатилиши;

— тегишли тавсиялар берилиши лозим.

Танловга юбориладиган мақолалар жорий йилнинг 1 декабригача Халқ таълими вазирлигининг фан бўлимига топширилади ва бу муддатдан сўнг юборилган мақолалар кўриб чиқилмайди.

Танловга юборилган мақолалар, савринли ўрин олиш ёки олмаслигидан қатъи назар ўз эгаларига қайтарилмайди.

Танловга тақдим этиладиган мақолалар матбуотда эълон қилинмаган бўлиши лозим ва олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари илмий-назарий, илмий-методик ҳамда аспирант ва докторантларнинг илмий анжуманларида эшитилиб, муҳокамадан ўтгандан кейин юборилади.

III. Танлов ғолибларини тақдирлаш

Танлов ғолибларини тақдирлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Эксперт гуруҳларининг тавсияларига асосан:

Педагогикадан:

I урин учун энг кам иш ҳақининг 8 бараварида

II урин учун энг кам иш ҳақининг 6 бараварида

III урин учун энг кам иш ҳақининг 4 бараварида пул мукофоти, шунингдек, вазирлик тақдирномаси, дипломлари берилади. Танловда совринли ўринни эгаллаган мақолалар тўплам қилиб нашр этилади.

IV. Мақолаларнинг танловини ўтказувчи эксперт гуруҳи таркибини тузиш

1. Танловни ўтказувчи гуруҳга Халқ таълими вазирлигининг фан бўлими умумий раҳбарлик қилади ва мавзуларнинг йўналишлари бўйича тегишли мутахассисларни жалб қилиб, эксперт гуруҳини тузади.

2. Эксперт гуруҳи ишида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги газета ва журналларнинг вакиллари ҳам иштирок этадилар.

3. Ўз илмий мақолалари билан танловда иштирок этган аспирантларнинг илмий раҳбарлари эксперт гуруҳи аъзоси бўлолмайдилар. Шу сабабли аспирантлар мақолалари аннотациясида ўз илмий раҳбарларини кўрсатишлари лозим.

4. Эксперт гуруҳи аъзолари имкониятга қараб моддий рағбатлантириладилар.

ЯХШИ ОТ КЕЙИН ЧОПАДИ(МИ?)

Бизнинг терма командамиз саралаш учрашувларини ўтказаётган Осиё қитъасининг «Б» гуруҳидан Жанубий Корея терма командаси 1998 йилнинг ёзида Франция майдонларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашадиган бўлди. Чемпионатнинг иккинчи йўлланмаси учун эса гуруҳимизда ҳали баҳслар давом этади. Шуни унутмаслик лозимки, иккинчи ўринни эгаллаган команда тўғридан-тўғри Францияга боролмайди. Чемпионатда иштирок этиш учун Осиёга бор-йўғи тўртта йўлланма берилган. Айни паллада «А» ва «Б» гуруҳга бўлиниб, ўзаро кескин кураш олиб бораётган Саудия Арабистони, Қувайт, Хитой, Эрон, Қатар, Жанубий Корея, Қозоғистон, Япония, Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирлиги терма командаларидан иккитаси, яъни ҳар иккала гуруҳ пешқадамлари (Жанубий Корея йўлланмани нақд қилиб қўйди) асосий иккита йўлланмага эгалик қилади.

Учинчи йўлланма эса «А» ва «Б» гуруҳларида иккинчи ўринни олган командаларнинг ўзаро икки учрашуви (сафарда ва уз майдонида) якунига кўра ғолибга берилади. Жами учрашувлар натижасига асосан тўртинчи ўринда қолган терма команда Австралия билан икки ўйин ўтказади. Ютган команда жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини олади.

Бизнинг «Б» гуруҳимизда ҳозирча иккинчи ўринга Б.А.А., Япония терма командалари даъвогар бўлиб турибди. Бу борада араблар қулайроқ имкониятга эга. Улар ўз уйида Узбекистон ва Кореяни қабул қилади. Қозоқ футболчилари дастлабки учрашувларни ўз юртида кўпроқ ўйнаганлиги боис саккизинчи ўйинни Японияда ўтказишга мажбур.

Қозоғистон терма командаси 25 октябрь куни Узбекистоннинг меҳмони бўлди. Ушбу мамлакатларнинг ўзаро учрашувлари муросасиз курашлар остида ўтиб унда Ўзбекистон футболчилари 4 : 0 натижа билан устун келишди.

Қозоқлар саралаш учрашувларининг дастлабки босқичида (Г-гуруҳда) Ироқ ва Покистон командаларини ўз майдонида 3:1, 3:0, сафарда эса 2:1, 7:0 ҳисоблари билан маглубиятга учратиб, кейинги босқичга чиқишганди. «Б» гуруҳида бизникиларга ўхшаб уларнинг ҳам бироз омади чопмади. Сафарда Корея, Б.А.Ага ютқазиб қўйишди. Алматида Ўзбекистон, Япония, Корея билан дуранг ўйнаб, биргина Араб Амирлигини ютди, холос. Қисқаси, қозоқларнинг ҳам аҳволи бирмунча оғирроқ.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Қозоғистон ҳам биз учун хавфли рақиб эканлигини исбот этишди. Дунёнинг Осиё минтақасида улар «топишмоқ команда» номи билан машҳур. Бундай номланишига сабаб — қозоқлар ҳар қандай мамлакат футболчиларига қарши тура олади.

Энди эътиборимизни Осиёнинг «А» гуруҳидаги вазиятга қаратадиган бўлсак, бирмунча жиддийроқ масалага дуч келамиз. Бу гуруҳда ҳозирча кимнинг ғолиб чиқиши номаълум бўлиб турибди. Эрон, Саудия Арабистони, Хитой терма командаларининг тўплаган очколари бир-биридан унчалик катта фарқ қилмайди. Биргина Қатар футболчилари ҳар икки имкониятдан маҳрум бўлди холос. Учрашувлар натижасига қараб шуни аниқ айтиш мумкинки «А» гуруҳида иккинчи ўринни олган команда Б.А.А, ёки Япония терма командасини (иккаласидан бири билан ўйнайди) дога қолдириши учун қулайроқ имконият эга. Бас, шундай экан, Осиёнинг чемпионат йўлланмасидан умидвор командалари бир-бирини қаттиқ синовдан ўтказиши аниқ.

Шундай қилиб, октябрнинг сўнги кунларига қадар 1998 йилги жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини дунёдаги йигирмадан ортиқ мамлакат терма командаси қўлга киритишди. Франция майдон эгаси сифатида, Бразилия эса 1994 йил жаҳон чемпиони бўлганлиги учун саралаш ўйинларидан озод қилинганди. Улар тўғридан-тўғри чемпионат финал қисмида қатнашадилар. Дания, Англия, Норвегия, Голландия, Австрия, Шотландия, Болгария, Испания, Германия, Руминия, Нигерия, Марокаш, Тунис, ЖАР, Камерун, Аргентина, Парагвай, Колумбия, Мексика ва Жанубий Корея терма командалари ўз гуруҳларида ғолиб чиқиб, йўлланмаларга эга бўлишди.

Белгия, Украина, Италия, Ирландия, Россия, Югославия, Венгрия, Хорватия ўз гуруҳларида иккинчи ўринларни олганлиги учун яна иккитадан учрашув ўтказишади. Қуръа натижаларига кўра иккинчи босқичда Россия Италия билан куч синашади. Шунингдек, Белгия — Ирландия, Украина — Хорватия, Югославия — Венгрия ўйинлари ҳам муросасиз бўлиши кутилмоқда. Мана шу командалардан тўрттаси жаҳон чемпионатининг сўнгги йўлланмалари билан таъминланади.

Европа мамлакатлари ўртасидаги саралаш учрашувларини Руминия терма командаси энг юқори натижа билан тугатди. Улар 8-гуруҳдаги 10 ўйиннинг тўққизтасини ғалаба билан якунладилар. Бир учрашувда дурангта эришди. Ушбу ўйинлар давомида улар рақиблари дарвозаларига 37 тўп киритиб, ўз дарвозаларидан бор-йўғи тўрт гол ўтказиб юборишди.

Дунёнинг экс-чемпиони Германия терма командаси ўн учрашувдан олтитасини ўз фойдасига ҳал қилди.

Собиқ Иттифоқ таркибига кирган республикалардан Грузия, Молдавия, Озарбайжон, Латвия, Эстония, Белорусь, Литва, Украина, Арманистон, Қозоғистон, Узбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон ҳам саралаш баҳсларида узларини синаб кўрдилар. Шулардан фақат биттаси (Украина) ўйинларни давом эттириб, жаҳон чемпионатининг финалида қатнашиши мумкин.

Танишинг, жаҳон чемпионлари ва кумуш медаль соҳиблари:

Йиллар	Биринчи ўрин	Иккинчи ўрин
1930	Уругвай	Аргентина
1934	Италия	Чехословакия
1938	Италия	Венгрия
1950	Уругвай	Бразилия
1954	Германия	Венгрия
1958	Бразилия	Швеция
1962	Бразилия	Чехословакия
1966	Англия	Германия
1970	Бразилия	Италия
1974	Германия	Голландия
1978	Аргентина	Голландия
1982	Италия	Германия
1986	Аргентина	Германия
1990	Германия	Аргентина
1994	Бразилия	Италия

Иккинчи жаҳон уруши таъсирида 1938 йилдан сўнг жаҳон чемпионатини ўтказиш маълум муддатга тўхтатиб қўйилган ва 1950 йилдан бошлаб яна амалга киритилган.

Нормурод МУСОМОВ.

Yaxshilar yodimizda

ҲУРМАТ ҚОЗОНГАН ИНСОН ЭДИ

«Умр бевафо» дейдилар. Ажойиб инсон, педагог ва ташкилотчи, ҳунар-техника таълими жонкуярларидан бири, халқ таълими фахрийси Собир Холиқов ҳам бугун орамизда йўқ.

1939 йили таваллуд топиб, ўз меҳнат фаолиятини ишчи касбидан бошлаган Собир Холиқов қарийб ўттиз йиллик умрини ҳунартехника таълимига бағишлади. Ана шу давр мобайнида у ҳунар-техника билим юрти директорлигидан ҳунар-техника таълими Давлат Қўмитаси Ўқув юртлари бошқармасининг бошлиғи, Тошкент шаҳар ҳунартехника таълими бошқармасининг бошлиғи, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари даражасигача бўлган катта ҳаёт йўлини босиб ўтди ва таълим-тарбия бериш, малакали ишчи кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, жумҳуриятда Ҳунар-техника таълимини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди.

Моҳир педагог, иқтидорли ташкилотчи ва раҳбар С. Холиқов республика ҳунартехника таълими инженер-педагог ходимларининг ҳақли равишда ҳурмат-эътиборини қозонган эди.

Собир Холиқовнинг ёрқин хотираси дўстлар ва шогирдлари ёдида умрбод сақланажак.

Халқ таълими вазирлиги.

Xotira

ШОГИРДЛАР ҚАЛБИДА

Республикамизнинг педагогик жамоаси жонкуяр ўқитувчи, меҳрибон устоз, тажрибали раҳбар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Иброҳимжон ҳожи ОТАЖОНОВни яхши эслашади.

И. Отажонов 1916 йили Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Оқ мачит қишлоғида туғилди. 1933 йили Қўқон шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлаш билимгоҳини тугатгач, Ўзбекистон туманидаги мактабларда педагогик фаолиятини бошлади ва 1943 йилга қадар ўқитувчи, мактаб директори лавозимларида ишлади. 1943 йилдан бошлаб Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими инспектори, методика кабинети мудири сифатида хизмат қилди. 1951 йили Фарғона педагогика институтини имтиёзли диплом билан битиргач, то умрининг охиригача ўзининг севимли иши — ёшларга ва мураббийларга бевосита илм-маърифат бериш биалн машғул бўлди. Бу даврда Иброҳимжон Отажонов мактабда илмий бўлим мудири, халқ таълими бўлимида ўзбек тили ва адабиёти фани секцияси раҳбари ҳамда ўқитувчилар тайёрлаш курслари раҳбари лавозимларида хизмат қилди. Иброҳимжон Отажонов элимизга намуна бўлгудек 9 фарзандни тарбиялади, халқимизнинг анъаналари, қадриятлари, урф-одатларини умри давомида асраб-авайлаб ва эъзозлаб келди.

Муҳтарам устознинг 60 йилдан ортиқ педагогик фаолияти ҳукумат томонидан муносиб тақдирланди. Унга 1964 йили «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилди. И. Отажонов «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун», «Ғалабанинг 30 йиллиги», «Меҳнат ветерани», «Ғалабанинг 40 йиллиги» медаллари соҳиби. Халқ таълими вазирлигининг «Олтин китоби»га номи битилган.

Фарғона вилояти Кенгашига икки маротаба, Яйпан шаҳри Кенгашига бир неча маротаба халқ ноиби, республика ўқитувчиларининг 6-съездига делегат этиб сайланган.

Қадрли устозимиз гарчанд бугун орамизда йўқ бўлсада унинг порлоқ хотираси шогирдлари қалбида бир умр муҳрланган.

Ш. НАЗАРОВ.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани 1-мактаб-интернати жамоаси шу мактаб ўқитувчиси Марям Сафарбоевага турмуш ўртоғи Сафарбой ХУДОЙБЕРГАНОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва жамоа ташкилотлари институт ректорининг ёрдамчиси, «Педагогик маҳорат» кафедрасининг катта ўқитувчиси Равшан Ишмуҳамедовга онаси Ҳамро ая БАҲРОМОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ашурали Зоҳирий номидаги Қўқон педагогика билим юрти жамоаси Педагогик таълим ва фан бош бошқармасининг масъул ходими Каримахон Ҳошимовага ўғли Олимжон ҲОШИМОВ бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Норали ОЧИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0672. Тиражи 21.422. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6